

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 3-avgust, Payshanba

№ 32 (9248)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti\_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ҚЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Оториноларингология соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, соҳадаги нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий кадрларни тайёрлаш ва илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги ассоциациясининг 2023 йил 1 сентябрдан юридик шахс мақомига эга бўлган Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказини (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгиланган қўйилсинки:

а) Марказ:

оториноларингология йўналишидаги ишларни мувофиқлаштирилади ҳамда "Марказ – ҳудудий тиббиёт муассасалари – туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари" тизими асосида ўз фаолиятини ташкил этади;

оториноларингологик ва бош-бўйин касалликлари соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўяди, ушбу йўналишларда мутахассисларни ўқитиш ва уларнинг кўникмаларини ривожлантириш чораларини кўради ҳамда илмий мактабни шакллантиради;

ҳудудларда оториноларингологик ва бош-бўйин касалликларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиши ҳамда юқори технологик амалиётлар кўламини кенгайтиради;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оториноларингологик ва бош-бўйин касалликлари профилактикаси, уларни эрта аниқлаш ва даволаш дастурларини амалиётга жорий этиши; нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорликда оториноларингологик ва бош-бўйин касалликларини даволашнинг замонавий ва юқори технологик усулларини давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари амалиётга жорий этиши;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Марказда оториноларингология ихтисослиги бўйича тиббиёт кадрларини клиник ординатура орқали тайёрлаш ташкил қилинади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг оториноларингология бўлимлари Марказнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий филиаллари ҳисобланади.

Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари тиббиёт йўналишидаги олий, профессионал ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тегишли кафедралари учун клиник база сифатида фаолият юритади.

3. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш доирасидаги грантлар;

пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

(Давоми 2-саҳифада)



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING QIRQ UCHINCHI YALPI MAJLISI OCHILISHI TUG'GRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси 2023 йил 4 август куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишчини бошлади.

Ялпи мажлис видеоконференцапола тарзида жорий йилнинг 4-5 август кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

ЎЗА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI

## МЕХНАТДАН БАХТ ТОПГАН ҚИШЛОҚ АЁЛИ

Яқин-яқингача қишлоқ аёли ҳақида гап кетганда аввало қўллари меҳнатда қадоқ бўлган, қуёшда юзлари қорайган, эрта-ю кеч дала ишлари билан банд меҳнаткаш ва соддадил аёллар кўз ўнгимизда гавдаланар эди. Лекин, аввалги қишлоқ аёли билан бугунги қишлоқ аёли ўртасида катта фарқ бор.

Кенг дунёқараш, юксак билим ва салоҳиятга эга замонавий қишлоқ аёллари бугун жамиятнинг фаол қатламига айланиб, ўзининг шахсий позициясини кўрсатмоқда. Улар шаҳарниқидан асло кам бўлмаган муносиб шароитларда яшаб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз фикри билан иштирок этмоқда.

Қорақалпоғистонлик Муқаддас Аллаберганова ҳам замон билан ҳамнафас қишлоқ аёлларидан. У Амударё тумани Қиличбой овулида истикомат қилади. Қахрамонимиз овулдаги 83-умумтаълим мактабда ўзбек тили ва адабиёти ҳамда қорақалпоқ тили фанларидан дарс беради. Айни кунларда таътил вақти бўлишига қарамай, ўқувчилари билан мушоира кечаларини ўтказиб, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этмоқда.

Бундан ташқари Муқаддас опа уй юмушларидан бўш вақтида тўқиш ва бичиш ишлари билан ҳам машғул. Уни моҳир тўқувчи, деб бемалол айтса бўлади. Хунари ортидан яхшигина даромад ҳам топмоқда. Шунингдек, опа ёшларга ўз хунари сир-асрорларини ўргатиб, "Устоз-шоғирд" аъёнларини давом эттирмоқда.

Биз таъриф бераётган оддий қишлоқ аёли, шунингдек, китоб ўқишдан, ўз билими ва тажрибасини оширишдан асло



чарчамайди. Муқаддас опанинг шахсий кутубхонасида 2000 дан зиёд турли бадиий ва илмий адабиётлар жамланмаси мавжуд.

Ўз касбига сидқидилдан меҳр қўйиб, келажак авлоднинг нафақат билимини, балки, дунёқарашини ҳам ўстиришга, уларга касб ва хунар ўргатиб, истеъдодини юзага чиқаришга ҳисса қўшаётган бу аёл оилада оналик вазифасини ҳам бекаму-қўст бажариб келмоқда. Шоғирдлари билан шуғулланиб бўлгач, тандир-

да нон ёпади, томорқа ишлари билан шуғулланади, сигир соғади. Турмуш ўртоғи билан биргаликда барпо қилган мўъжазгина боғда ёз ва куз фаслининг сархил меваларини териб қишга озуқа қамлайди. Меҳнатдан қўллари асло чарчамайди. Ўз меҳнатини билан топган нон дунёдаги энг тотли неъмат эканлигини билади. Асосийси, у ўзини дунёдаги энг бахтли инсон, деб билади.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ  
(ЎЗА) олган сурат.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## У "ИФТИХОР"НИНГ ИФТИХОРИГА АЙЛАНДИ

Жамолiddин Ботировни нафақат Норин туманида, вилоят миқёсида ҳам уста деҳқон сифатида яхши билишади. Боиси, у ўтган умри мобайнида ер, деҳқончилик илми билан тиллашди, ўсимликлар оралаб диллашди. Қўйингки, аллақачон кўпчиликка маслаҳат бера оладиган, бой тажрибага эга миришкорлар қаторидан ўрин олди.

(Давоми 2-саҳифада)



Мутахассис тавсиялари

## КУЛТИВАЦИЯ ВА ЧИЛПИШ ТАДБИРЛАРИНИ

# СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

Ҳозирда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликларидан сўғоришлардан кейин ғўза қатор ораларидаги тупроққа ишлов бериш қизғин давом этмоқда. Ғўза туплари яхши ривожланган майдонларда PChM-4, ЧХУ-4 каби механизмлар ёрдамида чилпиш тадбирлари бошланиб кетди.

Мамалакатимизда қатор оралари 60, 76 ва 90 см.

кенгликлардаги майдонларда ғўза парваришланмоқда. Кенглиги 60 см. бўлган қатор ораларидаги тупроқни қатламлаб юмшатишда 5 дона юмшатувчи панжа 4-6 см. чуқурликда ишлайдиган қилиб ва битта ўқ-ёйсмон панжа 12-14 см. чуқурликда, қаторлар ораси 90 см. бўлганда, ҳар бир қатор орасига 7 дона юмшатувчи панжа 4-6 см. чуқурликда ишлайдиган қилиб ва битта ўқ-ёйсмон панжа 14-18 см. чуқурликда ўрнатилади.

(Давоми 3-саҳифада)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Қувасой шаҳрининг Қирғизистонга чегарадош қисмида жойлашган "Полмон" гидроузелига бу йил ўтган йилгидан бор ой кечикиб сув келганини айтишди. Бу гидроузел вилоятнинг 6 туманига сув етказиб беради.

## "ПОЛМОН"ГА СУВ КЕЧИКИБ КЕЛДИ...

Боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган Қувасой шаҳри, Фарғона, Қува, Тошлоқ, Олтиариқ, Ёзёнов туманларининг 40 минг гектар экинзорлари ана шу ердан сув ичади. Шу ердан 3 та канал – Логон бетон канали, Бешолиш, Қувасой тупроқ ўзанили сойлари сув олиб, улар ҳам 6 та каналга бўлиниб кетади. Гидроузелнинг 23 нафар ишчилари туманларга сув етказиб беришда жонбозлик кўр-

еса кечикди. Энди чанқай бошлаган ғўза қатор ораларига тоғнинг тоза суви очилди. Шаҳар ва туманлар ирригация бўлимлари, махсус бўлимлар, фермер хўжаликлари сувчилари сўғориш штабларига бирлашиб ишга киришдилар. Шундай қилиб барча сектор раҳбарлари уларга нима керак бўлса муҳайё қилишга ҳаракат қилдилар.

Шу кунларда "Полмон"га борган кишининг кўнгли



сатаётганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

– Сув танқислиги мана бир неча йилдан бери сезилиб бораётти маълум, – дейди гидроузел бошлиғи Ҳокимжон Муродбеков. – Бунга қараб ўтириш асло мумкин эмаслигини биламиз. Президентимиз сувни тежаб-тергаб сарфлаш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш тўғрисида соҳага доир йиғилишларда, селекторларда, чиқарган қарорларида кўп марта таъкидлаётгани ҳам бежиз эмас. 2022 йилнинг 14 май куни гидроузелга Қирғизистондан сувнинг келиши бирдан кўпайган эди. Бу йил

яйрайди. Гидроузелнинг кекса, тажрибали ходимларидан Муҳаммадали Арзиқуловнинг сўзига қараганда, келажакда тупроқ ўзанили канал ва сойларнинг бетонлаштирилиши зарурти туғилмоқда. Сув исрофгарчилигининг олдини олиш эвазига ҳам жуда катта тежамкорликка эришса бўлади.

Ахил жамоа фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштириш эвазига гилос, ўрик, олма, олхўри боғлари барпо қилиб, мўл ҳосил олишмоқда, даромадлари ортмоқда.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,  
Сирдарё-Сўх ИТХБ  
матбуот котиби.

2024 йилдан юз-жағ жарроҳлиги йўналишларидаги тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5199-сон қарорига мувофиқ, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларни Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси билан тузилган шартномалар асосида базавий нархларда молиялаштириш тартиби Марказ учун 2024 йил 1 январдан бошлаб татбиқ этилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб оториноларингология ва юз-жағ жарроҳлиги йўналишларидаги тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилди.

6. 2023–2026 йилларда оториноларингология хизматини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш ҳамда Дастур ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориши.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

а) Корей Эксимбанки Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) ҳисобидан 2023–2024 йилларда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларини, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли

тиббиёт марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Тошкент шаҳар шифоналарининг оториноларингология бўлимлари ва тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларини, Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудий филиалларини 2-иловага мувофиқ зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун 17 миллион АҚШ долларини йўналтирсин;

б) 2024–2025 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўйидаги тадбирларни амалга ошириш учун 8,6 миллион АҚШ долларини йўналтириш чораларини кўрсин:

Марказда "Юқори нафас йўллари аъзолари физиологияси ва патологияси", "Эшитиш ва мувозанат аъзолари физиологияси ва патологияси", "Фонотрият ва ринолатия" илмий лабораторияларини, симуляцион амалий лабораторияни, 5 та жарроҳлик блокин ва 60 та ўрин-жойларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш;

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида "Эшитиш заифлашувини ташхислаш, даволаш ва реабилитация муаммолари" илмий лабораториясини ташкил этиш;

Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш.

8. Белгилансинки, 2024 йилдан бошлаб:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан аудиоскрининг натижаси бўйича аниқланган заиф эшитиладиган болаларни кохлеар имплантация амалиётига тайёргарлик даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча йилга камида 2 000 та рақамли эшитиш мосламалари билан таъминлаш

йўлга қўйлади:

Анджон давлат тиббиёт институти клиникасининг вақтинча қисқартириладиган ўрин-жойлари ва штат бирликлари ҳисобидан Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудий филиаллари қабул-диагностика бўлимида туну кун хизмат кўрсатадиган қўшимча оториноларинголог ва юз-жағ жарроҳи штат бирликлари киритилади.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда оториноларингология бўйича амбулатор ва стационар шароитда ёрдам кўрсатувчи давлат тиббиёт муассасалари учун штат нормативларини қайта кўриб чиқиш ҳамда келгусида эҳтиёждан келиб чиқиб уларга ўзгартиришлар киритиб бориш чораларини кўрсин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилшини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5199-сон қарори 1-бандининг "б" кичик банди кўйидаги тахрирда баён этилсин:

"б) қуйидагилар:  
2021 йил 1 ноябрдан кўз микрохирургияси ва урология;  
2022 йил 1 январдан кардиология, травматология ва ортопедия ҳамда акушерлик ва гинекология;  
2022 йил 1 июлдан хирургия ва нейрохирургия;  
2024 йил 1 январдан оториноларингология ва юз-жағ касалликлари йўналишларидаги тиббий хизматлар

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилсин".

12. Марказ Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй манзилида янгидан барпо қилинган кўп тармоқли клиника бино ва иншоотларининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2023 йилда Давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан Марказда реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 1 август

➤ Фармон ва ижро



### ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК ТАДБИРКОРЛАРГА "САНОАТ ИПОТЕКАСИ" ТИЗИМИДА КРЕДИТЛАР АЖРАТМОҚДА

Ўзсаноатқурилишбанкнинг молиявий кўмагида барпо этилган "Сариосиё" қурилиш материаллари индустриал зонасида тадбиркорларга "саноат ипотекаси" дастури асосида кредитлар тақдим этилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 9 июндаги "Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида худудларда мавжуд саноат салоҳиятидан, айниқса, қурилиш индустриясини ривожлантиришда нурда минералларнинг хомашё базасини ўзлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга қаратилган вазифалар белгиланди. Ушбу тадбирларга мувофиқ, 24 та туман, шаҳар қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, 8 та худуд, жумладан, Сариосиё, Булоқбоши, Қоровулбозор, Фориш, Пахтачи, Чуст, Ўзбекистон туманлари ва Нукус шаҳрида Ўзсаноатқурилишбанк хузуридаги "PSB Capital" инвестиция компанияси иштирокида кичик саноат зоналарини барпо этиш ташкиллаштирилди. Ушбу худудларда фаолият бошловчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида эса лойиҳаларни "саноат ипотекаси" дастури асосида молиялаштириш йўлга қўйилди. Дастур доирасида тадбиркорларга 7 йил муддатга 2 йил имтиёзли давр билан кредит ажратиш белгиланди. Дастлабки босқичда Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида 5 гектар ер майдонида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Анорзор" кичик саноат зонаси ишга туширилди. У ерда қурилиш қорилмалари, сув-дисперциялик ва буюк маҳсулотлари ҳамда турли ўлчамдаги МДФ эшик ва оролар ишлаб чиқарувчи янги 5 та корхона ўз фаолиятини бошлади.

Саноат зонасидаги шароитлар биз, тадбиркорларни ҳар томонлама қаноатлантирмоқда, йўллар раvon, узлуксиз электр энергияси, тоза ичимлик суви, ёритиш, ҳаво алмаштириш мосламалари каби муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан тўлиқ таъминланган, маҳсулотлар кўрсатиш учун замонавий "Showroom" ташкил этилган, – дейди "Райхон ифори" хусусий корхонаси раҳбари Жаҳонгир Муҳаммадиев. – Лойиҳамизга кўра, биринчи босқичда сувли буюк маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдамиз. Йиллик қувватимиз 860 тоннага тенг. Шунингдек, ички имкониятлардан келиб чиқиб, қўшимча пресланган металл листлар ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирғанмиз.

Мазкур худудда мавжуд хомашё захиралари жумладан, куруқ қорилмалар, пеноблок, газоблок, гипсокартон, пластмаса черепицалар, лак буюқлар, металл маҳсулотлари ва бошқа турдаги қурилиш материалларидан келиб чиқиб умумий қиймати 4,5 млн. долларлик 8 та лойиҳа шакллантирилди. Айни пайтда уларнинг 5 таси ишга туширилди, еттидан зиёди иш ўрни яратилди.

Ҳар бир лот тўлиқ ишга туширилганда йилга 67 млрд. сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиб, шундан, 1,1 млн. долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниши ҳамда 3,4 млн. долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида 10 млрд. сўм бюджетга тушум тушишига эришилади, 120 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда банк томонидан яна 7 та ихтисослашган туманда кичик саноат зоналарини барпо этиш ишлари олиб борилаётган. Бу борада дастлабки босқич учун 61 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Ташаббускорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида "саноат ипотекаси" дастури доирасида 107 млн. доллар ҳажмида кредит ажратилиши белгиланди.

Банк ахборот хизмати

## У "ИФТИХОР"НИНГ ИФТИХОРИГА АЙЛАНДИ



(Боши 1-саҳифада)

Тўғрида, узоқ йиллар колхозда механизатор, кейинчалик пахтачилик бригадаси бошлиғи, фермер хўжалиги етакчиси, ММТП райси каби масъул лавозимларда донг таратган инсон ҳамма вақт ҳам ҳар жойда азиз бўлиши табиий. Шунданми, Норин туманида фаолият олиб бораётган "Ифтихор" кластерининг раҳбари Адхамжон Иминов бир масалада уни қабулига таклиф этди. Ўзaro суҳбат давомида шу нарса маълум бўлдики, мунтазам режани бажармай келаётган айрим фермер хўжаликлари-

дан ҳокимлик захирасига олинган 480 гектар ернинг урдасидан чиқа оладиган ҳақиқий мутахассис керак экан. Туман ҳокими Жўрабек Нурматов унинг номзодини тавсия этиб, катта ишонч билдирибди. Жамолиддин раҳбарга йўлаб қуришини айтиб, уйига қайтди. Туфли, оппоқ кўйлақ, дазмолланган шимни дала кийими ва этикка, "Нексия"ни дала, ўнқир-чўнқирни писанд қилмайдиган кадрдон "Москвич"га алмаштирди. Харитада кўрсатилган барча далаларни бирма-бир айланди. Меҳр бериб қаралмагани учун у ер, бу ерни ўт босибди,

суғориш масаласида ҳам анчагина заҳмат чекишга тўғри келади, дея кўнглидан ўтказди. Шунда отаси раҳматлининг "Кўз қўроқ, кўл ботир", деган насиҳати ёдига тушди. Қолаверса, туман раҳбарининг ишончини оқламоқлик керак, деган ўй хаёлидан ўтди. Аъзоликка ушбу далаларда аввал ҳам ишлаган тажрибали деҳқонларни танлади. Ойлик, иссиқ овқат, шарт-шароитни биринчи ўринга қўйди, ишончга кирди. Барча агротехник тадбирлар жамоатчиликнинг қатъий назорати остида олиб борилди. Натижада, мавжуд майдонларда барқ уриб

ривожланаётган "Анджон -35" навли ғўзаларнинг ҳар бир тулида 8-10 тадан бўлиқ кўсақ, 10-15 тадан гул, шона яратилди.

– Ер шароитидан келиб чиқиб, ҳар гектар ҳисобига 35 центнерданга шартнома тузганмиз. Мавжуд имкониятларимизни чамалаб чиқиб, ҳосилдорликни камида 45 центнерданга етказамиз. Аъзоларимиз қабул пунктларига 287,5 тонна ўрнига 382 тонна юқори навли саноат хомашёси етказиб беришга бел болаган. Шунда 3 миллиард 825 миллион сўмдан орттириб даромад қилишга муваффақ бўламиз. Мустақиллик байрамига муносиб совғамиз бўлади бу, – дейди Жамолиддин Ботиров.

Ҳа, бугун Норин туманидаги "Ифтихор" кластерининг энг фидойи мутахассиси, ифтихори сифатида танилган, ўзига бириктирилган далаларда кўз қувнатидаги натижага эришаётган Жамолиддин Ботировнинг қўли кўлига тегмайди. Айниқса, ёзнинг чилласида ғўзаларни обихаётга қондириш, тунги суғоришга эътиборни қаратиш зарурлигини яхши билади. Ёнига мироб Рустамжон Шамсидинов, сувчилар Қодиржон Зухриддинов, Абдурахим Дадахўжаевларни олиб, ариқ ёқалайди. Сувнинг исроф бўлишига йўл қўймай, эгاتларга тарайди.

– Етакчиға ёлчидик, ҳар ой 3,5 миллион сўмдан иш ҳақи олаётимиз. Дала тепасида иссиқ овқат, қовун-тарвуз, мевачева муҳайё қилинган. Август ойи охирида мамлакатимиз бўйлаб саёхатга олиб бормоқчи. Қишда сыхатгоҳга йўлланмалар ваъда қилишган. Биз сидқидилдан меҳнат қилиб, мўл-кўл ҳосил яратиб, халқимизнинг ишончини оқлашимиз шарт, – дейди мироб Рустамжон Шамсидинов.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

## ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛАНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ШАРТ

Маҳалла аҳолисини жиноятчилик ҳақида хабардор қилиш, ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Адлия ҳамда Ёшлар ва спорт вазирлиги вакиллари билан иборат Республика ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Олий суд райси ўринбосари Икром Муслимов бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи Хоразм вилоятининг Урганч ва Хива шаҳарлари, Гурлан ва Богот туманларида бўлиб, жиноятчилик сони ошган маҳаллаларда фуқаролар билан очиқ мулоқотлар ўтказди.

Мулоқотларда маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар масалалари бўйича

маслаҳатчилар, ёшлар етакчиси ва профилактика инспекторлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Урганч ва Хива шаҳарлари, Гурлан ва Богот туманларида жиноятлар сони бўйича "қизил" ҳудудга киритилган жами 17 маҳалла бўлиб, ишчи гуруҳ аъзолари ҳар бир маҳалладаги фуқаролар билан жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида суҳбат қи-



либ, аҳолининг таклифларини ҳам эшитди.

Шунингдек, жиноятлар сони ошган маҳаллалардаги учрашувларда Хоразм вилояти, туманлараро ва туман (шаҳар) судлари судьялари томонидан сайёр судлар ўтказилди. Бу жа-

раёнларда профилактик ҳисобда турувчи шахслар, тарбияси оғир ёшлар ва бошқа маҳалла маъмурияти вакилларидаги иштироки ҳам таъминланди.

Судланувчиларнинг ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари, уларга тайинланган жазо каби

барча процессуал жараёнлар маҳалла аҳолининг кўз ўнгиде ўтди, бундан иштирокчилар ўзлари учун тўғри хулоса қилиши аниқ.

Маҳаллаларда ўтган мулоқотларда фаол бўлмаган ёшлар қаторида ўз касбининг устаси, юртимиз ва дунё миқёсида чемпион бўлган спортчилар борлиги маълум бўлди. Бирор фойдали касб билан банд бўлмаган ёшларни қизиқишдан келиб чиқиб, спортчиларга бириктириш, спорт тўғрисидаги жалб этиш масалалари ҳам белгилан олди.

Асосийси, ишчи гуруҳнинг худудлардаги мулоқотларида жиноятчиликка олиб борадиган ҳеч бир масала ва жиноят содир этиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс эътибордан четда қолмади.

Ишчи гуруҳ ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири.

“Хасанбой-Хусанбой” фермер хўжалиги муваффақиятларининг сири нимада?

Болаларининг шоду-хуррамлигидан ота-оналарнинг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилган



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЕРГА БЕРИЛГАН МЕХР БАРАКА БЎЛИБ ҚАЙТАДИ

Ерга уруғ сочиб, ундан мўл ҳосил оламан дейиш утопиядир. Шу боис, деҳқон ерга уруғ қадар экан ундан мўл ҳосил олишни режа қилади, шунга яраша меҳнат қилади. Агар ердан бир йилда икки бора ҳосил олишни ниёт қилиб, такрорий экин эксачи? Унда янада кўпроқ меҳнат қилишига тўғри келади.

Ерга ҳам кўпроқ озуқа бериши, агротехник ишларни ҳам ўз вақтида, меъёрида қилиши лозим бўлади. Шундагина кўзлаган ҳосилни олиши мумкин. Бугунги кунда деҳқончилик қиламан, экин экман, озик-овқат маҳсулотлари етиштириб, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшаман, деган инсон борки, барча шароитлар мурасам. Шундай миришкор, тadbиркор, кўпчилик ёшларимизни иш билан таъминлаб келётган, халқимиз дастурхони тўқис бўлишига ўзининг ҳиссасини қўшаётган “Хасанбой-Хусанбой” фермер хўжалиги

рахбари Омон Холиқуловни нафақат Боёвут тумани, Сирдарё вилоятида ҳам Республикада ҳам яхши билишади. – 2018 йилда Боёвут туманида 60 гектар ер олиб, “Хасанбой-Хусанбой” фермер хўжалигини ташкил этдик. Дастлаб фермер хўжалигимизда 19 нафар ишчи ишлар эди. Йилдан-йилга тажрибамиз, ерга бўлган меҳримиз ортди. Ҳам етиштирган ҳосилимиз билан халққа нафимиз тегаётганидан хурсанд бўлдик. Оқибат ер майдонимизни 102 гектарга етказдик. Ишчиларимиз сони ҳозирда 50 нафарни ташкил этади.



Уларга дала шийпонимизда барча қулай шароитлар яратиб берилган. Жорий йилда ғалладан 90-100 центнердан ҳосил олдик. Ғалладан бўшаган ер майдонларига такрорий экин экиб, қўшимча даромад топа бошладик. Бундан ташқари, туман ёшлари учун ҳам ғалладан бўшаган ер майдонларидан 50 сотихдан ер ажратиб, уларни ҳам меҳнатга ўргатиш, ҳам даромад олишга рағбат бериш биз каби фермерларга ишониб топширилди. Ўзимизники қатори уларнинг ҳосилини ҳам сотиб берамиз. Ўтган йили ғалладан бўшаган 30 гектар ерга такрорий экин сифатида мош экиб, гектаридан 2 тоннадан ҳосил олгандик. Бу йил бу кўрсаткични 2,5 тоннага етказишни режалаштираяпмиз. Туман ёшларидан 10 нафарига 50 сотихдан ер ажратиб, уларга ҳам мош экиб бердик. Улардаги барча агротехник ишларни ҳам зиммамизга олдик. Бу билан ёшларимиз ҳам ишли, ҳам даромадли бўлса, бундан биз ҳам хурсандимиз. Келажакда улар ҳам ўзлари мустақил фермер хўжалиқларини ташкил этиш ниётида. Албатта, ҳар бир инсон яшар экан элга, халққа нафим тега сарфиди. Ёмғир билан ер, дуо билан эл кўрар деганларидек, халқимизнинг оғирини озгина енгиллатишга ҳиссамиз тегаётган бўлса, шундан хурсандимиз, – дейди намунали фермер Омон Холиқулов. Халқимиз азалдан меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик, деб бежиз айтмаган. Элга хизмат қилаётган, кўпгина аҳоли, хусусан, ёшларимизнинг фаровон турмуш кечиришлари учун муносиб шароитлар яратиб бераётган Омон Холиқулов каби фермерларимиз жамиятимизда кўпайишни тилаб қоламиз.

Баҳром БОЙМУРОДОВ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ўз – ўтмоқда соз!

“БЕШБУЛОҚ” ОРОМҒОҲИ – БОЛАЖОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш Департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармаси тасарруфидаги “Бешбулоқ” болалар соғломлаштириш оромгоҳи Кўхтанг тоғ тизмалари бўйида жойлашган бўлиб, атрофи саранжом-саришта, соя-салқин, хушҳаво.

Бу ерда ёз мавсуми бошланганидан буён 600 нафарга яқин ўғил-қиз кўнглини ҳордиқ чиқаришди. Айтилган пайтда 200 нафардан ортиқ болажонлар ўзлари учун яратилган қулай шарт-шароитларга эга масканда мириқиб дам олишмоқда. Болаларининг шоду-хуррамлигидан ота-оналарнинг ҳам кўнгли тоғдек

меҳнаткашларнинг фарзандлари ёзги таътилни мароқли ўтказди. Ўтган йили қорақалпоғистонлик 100 нафар бола ҳам бу ерда дам олганди. Бу йилги мавсумга ҳам алоҳида ҳозирлик кўрилди. Бино ва иншоотлар таъмирланиб, спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари жорий йилнинг апрель ойида тахт ҳолга



кўтарилган. Муҳими, болалар саломатлиги шифокорлар назоратида. Тайёрланаётган овқатлар тўйимли ва сифатли.

– Бу сўлим оромгоҳда дам олиш озуғим эди. Ҳозирданок бу ерда ўтаётган қувончли онларимдан ҳаяжонланаяпман. Сабаби, оромгоҳда жуда кўп дўстлар орттирдим. Турли тугаракларга қатнашяпман. Уроқларим билан спорт мусобақаларида иштирок этаяпман. Кўхтанг тоғининг гўзал табиати менга жуда ёқди, – дейди юзюда қувонч порлаган термизлик Ботир Абдулазизов.

– Мен Гулмира Тоштемирова, Музабод туманида келганман. – Оромгоҳ бағрида ўтаётган турли маданий-маърифий, спорт тadbирлари, қизиқарли ўйинлар, шоир-ёзувчилар, спортчилар, саънаткорлар билан бўлиб ўтаётган учрашувлар менга олам-олам завқ улашмоқда.

Ҳа, қалби беғубор болажонлар айтганидек, Кўхтанг тоғининг табиати, сўлим боғлари, ўйноқи жилгалари кишини ўзига тортмасдан қолмайди. Шу боис ҳам “Бешбулоқ” оромгоҳида ҳар йили

келтириб қўйилганди. Худуддаги мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилиб, гулзорлар яратилганди.

– Болажонлар учун барча шароит яратилган, – дейди оромгоҳ директори Илхом Шайматов. – Мавсум бошланишидан олдин ётоқхона ва ошхона жиҳозларини янгилдик. Сифатли таъмирланган ошхонада махсус таомнома асосида турли овқатлар тайёрлаш имкони яратилиб, болажонлар дармондорига бой таом ва ёз неъматлари билан сийланмоқда. Болаларнинг дам олишлари учун спорт майдончаларимиз, маънавият хонаси, кутубхона доимо шай ҳолатда. Турли тугараклар фаолиятини йўлга қўйганмиз. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан кутубхонамизга янги адабиётлар тўхта этилди. Шунингдек, касаба уюшмалари саъий-ҳаракати билан оромгоҳлараро китоб айланиши йўлга қўйилди. Деярли, ҳар кунни таниқли шоир-ёзувчилар, санъаткорлар, спортчилар иштирокида тadbирлар ташкил этилмоқда.

Р.ДАВЛАТОВ



соз ва таранг ҳолда бўлишини, пичоқлар тигларининг ўткирлигини таъминлашлари зарур. Синган пичоқлар, кордлари титилиб кетган ва ортиқча чўзилган тасмалар янгилари билан алмаштирилиши лозим.

Чилпишни дастлаб баланд бўйли ва ғовлаган ғўза майдонларидан бошлаш зарур. Чилпиш ишлари сифатли бажарилганда кўсақларнинг пишиб, етилиши тезлашади, пахта ҳосилдорлиги ва тола сифати ортади, ғўза тупларига ихчам шакл берилиши ҳисобига пахта териш машиналарининг агротехник кўрсаткичлари яхшиланади.

Шундай қилиб, ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериш, ўсимликлар бош поялари ва ён шохларини механизмлар воситасида чилпиш тadbирларини агротехник талаблар даражасида бажариш кўсақлар сони ва вазнини оширади, уларнинг пишиши ва очилишини тезлаштиради, ҳосил теримини юқори салмоқ ва сифат билан қисқа муддатда яқунлаш имконини беради.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,** Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти профессори, **Абдурасули ИБРАГИМОВ,** Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, техника фанлари доктори.

КУЛТИВАЦИЯ ВА ЧИЛПИШ ТАДБИРЛАРИНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

(Боши 1-саҳифада)

Ўқ-ёйсимон панжалар қаторлар орасининг қоқ ўртасида юрадиган қилиб жойлаштирилади. Қатор ораси 76 см. бўлганда УСМФ 7 русумли культиваторларга диаметри 470 мм. бўлган икки дона тишли диск, қамров кенлиги 150 мм. бўлган беш дона ўқ-ёйсимон панжа ва қамров кенлиги 170 мм. бўлган бир дона чуқур юмшаткич жойлаштирилади.

Маълумки, учинчи ва тўртинчи культивациялар ғўза тупларида ҳосил жадал тўпланадиган пайтга тўғри келади. Шу боис культивациялаш агрегатининг иш жараёнида ғўза шохларининг синиши, ҳосил мевалари, айниқса, бўлиқ кўсақларнинг урилиб тўқилиши каби шикастланишларнинг олдини олиш зарур. Бунинг учун агрегат кичик тезликларда ишлатилади, трактор филдиракларига ҳимоя тўсиқлари, орқа ўқи тагига юпқа туноқадан ясалган силлик туп йўналтиригичлар ўрнатилади, культиваторнинг кўндаланг рамаси юмшоқ материал билан, грядиллари эса сўйри, ташқи шакли “балиқ сирти”га ўхшатиб филофланади. Ғўзалар ривожланиб, бўлиқ кўсақлар пайдо бўлганда культиваторларни ҳимоя воситаларисиз ишлатиш асло мумкин эмас.

Яхши биламизки, ғўзани чилпишдан асосий мақсад, бош поя ва ён шохларнинг ўсув нуқталарини чилпиб ташлаш орқали тупроқдан ва ҳаводан олинаётган озика моддаларини ғўза тупларининг тарвақайлаб ўсишига эмас, аксинча, бўлиқ шона, гул ва кўрак туғишига йўналтириш, кўсақлар сони ва вазнини ошириш ҳамда тупларни машинабоп, яъни ихчам шаклга келтиришдир. Бу тadbирни ғўза нави, кўчат қалинлиги ва ҳосил шохлари сонига қараб табақалаштирилган ҳолда, қисқа муддатда ўтказиш лозим. Чилпилган ғўза тупларининг баландлиги 80-100 см. дан ошмаслиги зарур. Туплар бундан баланд бўлса, пахта териш машинасининг терим тўлиқлиги 3-5 фоизга камаяди. Туп қанчаллик баланд бўлса, у терим аппарати ичига шунчаллик эгиллиб қиради ва ундан қаттиқ силкиниб чиқади. Натжида чаноклардаги бир қисм пахта паллала-

ри терилмасдан қолиб кетади ёки ерга тўкилади.

Ғўза тупларининг ён шохларини ҳам чилпиш шарт. Чунки тарвақайлаб ўсган ён шохлар кўсақларнинг аппарат иш тирқишидан эркин ўтишига ҳалақит беради, тирқишни кенгайтириб, шпиндел тишларининг пахтани илтириш қобилиятини пасайтиради. Ёнига ғовлаган туплар аппарат иш тирқиши ичида 22-40 см. ўлчамларгача сиқилганда, уларнинг шохлари, кўсақлари бир боғлам “супурги” ҳолига келади. Бундай “супурги”нинг ташқарисидеги пахталаргина териб олиниб, ичкаридагилари шундайлигича қолади. Шу боис, ғўза бош пояси ва ён шохлари чилпилган



ғўза тупларининг баландлиги 80-100, эни 40-50 см. атрофида бўлиши шарт.

Пахта пайкалида ётиб қолган ғўзалар умумий ғўза тупларининг 1,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Бундай ғўзалар 10 фоизга етса, пахта териш машинасининг иш унуми пасаяди, ерга кўп пахта тўкилади. Бунинг олдини олиш учун пайкалларни қўллатмасдан, бир текис суғориш, культивация пайтида ғўза тупларини шикастланишдан сақлашга эришиш зарур.

Чилпиш қўлда бажарилганда бош поя ва ён шохларнинг ўсув нуқталарининг чилпиб олиш зарур. Тупнинг юқори ярусидеги ҳосил нишонларининг юлиниб кетмаслигига эътибор қаратиш талаб этилади.

Чилпиш РСНМ-4, ЧХУ-4 каби


механизмлар воситасида ўтказилганда қирқувчи пичоқлар биринчи чилпишда ғўзанин ривожига қараб 80-100 см. баландликка ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Бу тadbир 7-10 кундан кейин такроран ўтказилиб, биринчи чилпишдан қолиб кетган ғўзалар чилпилади. Бунда пичоқларнинг қирқиш баландлиги биринчи ўтилгандаги кўндаланг 3-5 см. юқориқоққа ўрнатилиши керак. Масалан, қирқиш баландлиги биринчи чилпишда 95 см. бўлган бўлса, иккинчисида 100 см. қилиб ўрнатилади. Механизаторлар иш давомида пичоқларни айланувчи дискаларга маҳкам қотирилишини, гидравлик моторлардан мой оқмаслигини, шкивларнинг бутунлиги ва тўғри ўрнатилишини, уларни ҳаракатлантирувчи понасимон тасмаларнинг

Яссавия тариқатининг давомчиларидан бири ҳисобланмиш  
Шайх Нодиржон Хўжанинг қабрида ҳашаматли мақбара бунёд этилмоқда

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Шайх  
Нодиржон  
Хўжа

МАҚБАРАСИ



Каттақўрғон туманининг Жизмонсой маҳалласи мўътабар ва зиёратгоҳ ҳудудларидан бири саналади. Боиси шулки, бу маҳаллада наслу-насаби Абу Бакр Сиддиқ разияллаҳу анҳуға бориб туташувчи зот, Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифаси, "Ҳаким" унвонига сазовор бўлган Сулаймон Боқирғонийнинг ўн биринчи авлоди Нодиржон Хўжа азизларнинг муборак қабрлари абадий қўним топган.

Хўш, ул зотнинг қабрлари не сабабдан Жизмонсойда ўрнашган? Бунга аниқлик киритиш учун Нодиржон Хўжа шажараси билан боғлиқ баъзи воқеаларга бироз тўхталишга тўри келади. Сулаймон Боқирғоний туркийзабон халқлар адабиётида, маданий ва маънавий оламнинг юксалишида, айнан, Аҳмад Яссавий ҳикматнавислигининг ривожига беқиёс хисса қўшган улғуш шoirдир. У Қоратов этагидаги Қарноқ қишлоғи (ҳоз. Чимкент вил. Туркистон тумани)да тахминан 1126 йилда таваллуд топан бўлиб, 1186 йилда, 60 ёшларида Хоразмнинг Окўрғон юртида вафот этган. Орадан 30-40 йил ўтгач, юртга мўғул балоси ёпирилганда Сулаймон Боқирғонийнинг ўғли Маҳмуд Хўжа Жўшда муқим ашаб қолгач, ўғли Бобохўжа (Жўш Ота) туғилади. У кишининг мақбаралари Жўшда бўлиб, машҳур зиёратгоҳлардан. Жўш Отадан кейин у кишидаги сулук ва илму ирфонни авлодларидан Ҳожа Шайх, Султон Шайх, Дўстмуҳаммад Шайх, Хўшмуҳаммад Шайх, Муҳаммад Шайх, Муқим Шайх (Эр Муқим ота)лар давом

эттиргани манбалардан маълум. Эр Муқим отанинг фарзанди Нодиржон Хўжа сулук ва илму ирфонни ўзи ва авлодлари томонидан давом эттирган. Ана шу сулук ва илму ирфон эгаси Нодиржон Хўжа азизларнинг Жизмонсой қабристонига дафн этилиши воқеалари ҳам бобоси Сулаймон Боқирғонийнинг муршиди Аҳмад Яссавий билан бўлган ривоятга ўхшайди. "Андин сўнг Ҳожа (А.Яссавий) Ҳаким Ҳожага: "Эмди сенинг ишинг тамом бўлибтур. Тонг била эшигингда бир тева чўкар. Ул тева ни мингил. Бошин бўш қўйил. Бориб ул тева қайда чўкса, сенинг манзил-мақонинг ул ер бўлур", дея рухсат бердилар. Худди шу янглиг Нодиржон Хўжа азизлар ҳам вафоти яқинлашгач, "Мени бир тевага юкяларлар, тева қаерда чўкса, ўша ер менинг доимий манзилим бўлади", дейди. Туя қўл жойларга чўкса-да, тез туриб кетиб, охир-оқибат Жизмонсойга чўқади ва Нодиржон Хўжа "Азизлар" қабристонига дафн этилади. Шу пайтга қадар ушбу табаррук зотнинг қабрлари эътиборсиз ва қа-

ровсиз ҳолда эди. Кейинги пайтларда мамлакатимизда яшаб ўтган улғу бобокалонларимизга, авлиё зотларга бўлган юксак эҳтиром ҳамда ободонлаштиришга қаратилган эътибор натижаси ўлароқ, Жизмонсойда ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Яссавия тариқатининг давомчиларидан бири ҳисобланмиш Шайх Нодиржон Хўжанинг қабрида ҳашаматли мақбара бунёд этилмоқда. Маҳалла оқсоқолларининг маслаҳати билан мақбарани бунёд этиш ишида бош-қош бўлиш вазифаси маҳалла фуқароларидан Насриддин Холиқуллов ҳамда Жўрабек Сатторовларга юклатилди. Саховатпеша кишиларимизнинг ҳомийлигида қурилиш ишлари бошлаб юбориди. Маҳоратли усталар ўз санъатлари билан қурилиш ишига сидқидилдан ёндашдилар. Қурилишга ҳомийлар томонидан йиғилган 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Мақбарани шу йилнинг охирига қадар қуриб, битказиш режалаштирилган.

Нодиржон Хўжанинг кейинги авлодлари ҳозирда Қашқадарё, Сурхондарё ва Тожикистон ҳудудларида истикомат қилади, улар Жизмонсойга келиб туради ва мақбаранинг тикланишига баҳоликудрат ёрдам бермоқда. Биз ўз ўрнида, ушбу мақбаранинг бунёд этилишида беиминат хизмат қилаётган саховатпеша кишиларимизга самимий миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ҳасан АЛМАТОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Эҳтиром

ОЛТИМИНЧИ ДОВОН:  
ҲАЁТ, ИЖОД ВА МУТОЛАА ЗАВҚИ

Навоий шаҳридаги "Маданият ва маърифат маркази"да Навоий вилояти фахри, пойтахтда ижод қилаётган шоир ва таржимон, моҳир публицист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Вафо Файзуллоҳ таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан адабий-маърифий тадбир ўтказилди.



Тадбирда шоир ва ёзувчилар, журналистлар, ижодкорнинг яқин дўстлари, қариндошлари ва бошқа адабиёт ихлосмандлари иштирок этди. Адабий-маърифий тадбирга ташриф буюрганлар шоирни қўл-қўл 60 ёши билан табриклаб, унинг ижодий олами, ёзган асарларининг мазмун-моҳияти, таржимонлик фаолияти ва ибратли ҳаёт йўли тўғрисида тўхталиб ўтишди.

– Устознинг ҳар бир китобини ўқиганимда, руҳимга маънавий озۇқа, нур, ўзгача шуур оламан, самимиятга йўғрилган шеърларини тинглаганимда, беихтиёр унинг қаҳрамонлари ҳаёлимда гавдаланади ва ўзим ҳам шеърининг гўзал ва чексиз оламига шўнғиб кетаман, – дейди "Дўстлик байроғи" газетаси муҳбири Дилафруз Қўшоқова. – Адабиётшунос, журналист, шоир, публицист ва моҳир таржимон устозимизнинг гўзал шеърлари бугун тилларда жаранглаётганидан, қўшиқларга кўчәтганидан, китоблари халқимиз орасида қўлма-қўл бўлиб

кетганидан жуда хурсандман.

Тадбир қаҳрамони адабиёт ихлосмандларига ўзининг янги ёзган шеърларидан ўқиб берди. Айниқса, ўқувчиларнинг ижодкор шеърларидан намуналар ўқиганлиги ва шоир шеърлари билан айтилган ашулаларнинг саҳна узра жаранг сочганлиги йиғилганларга хушайфият улашди.

Ижодкорнинг "Хут", "Хабарсиз севинч", "Мангу лаҳза", "Жой йўли", "Чақмоқ ёруғи", "Азалий ғусса", "Оқ лайлак", "Қоядаги дафтар", "Навоий назми рангин", "Қуртақда дарахт-ни кўрмоқ", "Ҳақ ва ҳақиқат ҳаёли" каби шеърый ва насрий китоблари чоп этилиб, аллақачон китобхоналар кўлига етиб борган. Шунингдек, у кўплаб чет эллик адибларнинг асарларини таржима қилиб, адабиёт ихлосмандларига тўхфа этган ши-жоатли, изланувчан ва замон билан ҳамнафас ижодкордир.

Адабий-маърифий тадбир сўнгиде Вафо Файзуллоҳнинг "Из" номли сайланма китоби ва унинг ҳаёти, шаҳси, ижодий хислатлари, ёзган асарлари тўғрисида замондошлари, устозлари, дўстлари ва бошқа ижодкорларнинг мулоҳазалари жамланган "Белгидан белгигача" деб номланган китоблари тақдими ҳам ўтказилди.

Отабек АСЛОНОВ,  
"Qishloq hayoti" муҳбири.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

101 ЁШЛИ МОМОНИНИГ  
ЎГИТЛАРИ

Кумқўрғон туманидаги Мустақиллик маҳалласида 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг орасида тўқсон ёшдан ошган, юз билан юзлашган пиру бадавлат кексалар ҳам бор. Ана шундай нурунийлардан бири Жангил момо Худойберганова бўлади. Онахонинг ҳассасага тоқати йўқ. Бардам, сўт-қатиқ жони дили. Кўй гўштидан кўра сархил меваларни хуш кўради.

– Қаранг-а, ҳаш-паш дегунча юз ёшдан ҳам ошиб кетибман, – дейди онахон жилмайиб. – Баҳорда, Бойсуннинг хушманзара Хўжабулғон қишлоғида туғилганим учунми бу фаслни яхши кўраман. Ҳар сафар унинг келишини, дала-қирларнинг ашиллиқка, гулу лолаларга бурканишини интиқлик билан кутаман. Умрим давомида кўп ташвишли дамларни, кувончли онларни бошдан кечирдим. Шўролар даври, қатагонлар, бир бурда нонга зор бўлган уруш ва урушдан кейинги йилларни эсласам, ҳали-ҳануз юрагим увишиб кетади. Олаговур йилларда инкилоб бўлди. Юртни келгиндилар босди. Ҳеч қанча ўтмай халқни боқиб, кийинтириб келаётган, орқасидан эр-шатираётган топармон-тутармонлар, ўқимшли кишиларни қама-қама бошланди. Кўплари совуқ юртларга сургун қилинди. Эсиз одамлар-а. Юрт ўз қишлоғидан нарини кўролмаган чаласаводлар кўлида қолганди ўшанда. У кунлар ёмон туш каби ортда қолгани, Ўзбекистонимизнинг қуёши

порлаб, елкамизга офтобнинг текканлиги рости бўлсин. Эндиликда юртдошларимиз айниқса, хотин-қизларимиз беқиёс гамхўрликлардан барҳаманд бўлиб, меҳнатларининг роҳатини кўриб ашарлабди. Бундай дориламон замонга соғу омон етказгани учун Яратганга беадаб шукур.

Момонинг умри меҳнатда ўтган. Ўғил ўстириб, эл сафига қўшган ота бахтли. Қиз тарбиялаб, гап-сўзга чалинтирмай, тенгига узатган она бахтли. Қўчоқлари бир-бирдан ширин набираларга тўлиб, ўғил-қизларининг иқболини кўрганлар ундан-да бахтли. Жангил момо ва жуфти ҳалоли Турди боболарга ўша бахт насиб этганига ҳам ярим асрдан ошиб кетди. Улар Абдимурод, Хуррам, Ҳасан, Юсуф, Рустам ва Зулайхонларни тарбиялаб, вояга етказдилар...

– Бойсундан келиб, чўлни узлаштирувчилар сафига қўшилдим. Деҳқончиликда суягим қотди. Онгли ҳаётим давомида ерни, тупроқни ардоқлаб келдим. Ҳатто, катта Фарғона каналини қазийшда

қишлоқдош дугоналарим Бибисора, Беккам, Бибихол, Қизларгуллар билан бориб, эркаклардан кам ишламадик. Шу боис ҳам бардам ва тетикман. Ҳамқишлоқларимнинг тўй-маъракалари ва маҳалламизнинг турли тадбирларида бош-қош бўлиб келаямман. Очиғи, маҳалламиз кейинги йилларда ҳар томонлама чиroy очиб бормоқда. Минимаркетлар, равон кўчалар, чиroyли уй-жойлар, мактабгача таълим ташкилоти, мактаб бинолари, ошонча-ю, турли дўконлар... Буларнинг қай бирини айтмай. Бир пайтлар қишлоғимизда бармоқ билан боболарга ўша бахт насиб бўларди. Ҳозир эса ҳар бир хонадонда замонавий энгил автомобильлар мавжуд.

– Жангил момо сингари кексаларимизнинг борлиги биз учун катта давлат. Бундай фариштали инсонларнинг қадрига етишимиз, хурматини жойига қўйишимиз керак. Кекса авлод вакилларининг маҳалламиз ёшлари билан учрашувларини тез-тез ташкил

этишга ҳаракат қилаямиз. Бундай учрашувлар чоғида Жангил момо каби қарияларимиз бошларидан кечирган ҳаёт ҳақиқатларидан сўзлаб бердилар. Узаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат, Мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ҳақида гап-радиладилар. Буларнинг бари ёш авлод учун ҳаёт мактаби, ибрат намунаси вазифасини ўтайди, – дейди Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустамхон Алиев.

Бошига оппоқ рўмол ташлаб олган Жангил момо билан хайрлашар чоғимиз дуога қўл очдилар: Аллоҳнинг раҳмати, барақати ёғилиб турган шу юрт Сизларники, болам уни маҳкам тутинглар! Тинчлик, хотиржамлик энг катта бахт. Ўша бахт бир умр йўлдошларинг бўлсин, иймон-эътиқодда собит туринглар, меҳр-мурувватли бўлинглар, ўғил-қизларининг роҳатини кўринглар! Ҳаммаларинг менинг ёшимга етинглар, омин!

Рустам ДАВЛАТОВ,  
журналист.

Аср юзини кўрганлар



Qishloq hayoti

МУАССИСА:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,  
Муҳаммадҷон ТОШБОЛТАЕВ,  
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,  
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюролма Г-840. 1320 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-ўй. 1 2 3 4 5 6

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нарҳда.



Тел: +998 (7071) 6-25-20, 6-34-40, 9-35-08.  
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chichiq.uz  
www.maxam-chichiq.uz

Эълон

MAXAM - CHIRCHIQ

SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida

Mahsulot sertifikatlangan № UZ. SMT.01.080.64398163 GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 17.00